



«ТАРБИЯ БИЗ УЧУН Ё ҲАЁТ — Ё МАМОТ, Ё НАЖОТ — Ё ҲАЛОКАТ, Ё САОДАТ — Ё ФАЛОКАТ МАСАЛАСИДИР»

2с

«МИЛЛИЙ ТИКАНИШ»  
ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИНИНГ  
ЎЗГАРТИРИШ  
ТАЪЛИМИ



**milliy**  
tiklanish

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

www.mt.uz / milliytiklanish2022@gmail.uz

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ!

№ 12 (1161) 2022 йил  
6 апрель, чоршанба



# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ ИСЛОҲ ЭТИШ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ ШАРТ!

Агар раҳбарлар, муаллимлар янги Ўзбекистонга муносиб ҳаракат қилса, фарзандларимизни давр талабига мос ўқитишимиз мумкин. Халқимиз бизга энг катта бойлигини – зурриёдини ишониб бераяпти. Бу жуда катта масъулият. Шунинг учун ҳис қилиб, ўзимизни қийнаб, мактабни ислоҳ қилсак, келажакка замин яратамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



2с

## ТАРТИББУЗАР АБИТУРЕНТ

5с



ИМТИҲОНЛАРДАН ЧЕТЛАШТИРИЛАДИ...МИ?

## «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»

— муҳим тарихий-ҳуқуқий манба 4с

2  
ДЕПУТАТ «БЕШОҒА»  
«ҚОЗОНИНИ  
ҚАЙНАТДИ»

3  
ҚАЧОНГАЧА  
«ЮКОРИ»НИНГ  
ТАВСИЯСИ ЁКИ  
ТОПШИРИҚЛАРИНИ  
КУТАМИЗ?

5  
БИЗДА «БЕШҚЎЛ»  
ҲАМ БАРОБАР

7  
ШҶРО ТУЗУМИНИНГ  
ШАРМАНДАЛИ  
ТАРИХИ

## «ҚҶРҚМА» ДАН ҚҶРҚАДИГАН ЖОЙИМИЗ ЙҶҚ!

5с



## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ

оддий  
одамлар  
дилидаги  
ниятларга  
йҶл очди 3с

Долзарб

«AVTOSCOVID»дан  
ЯҚИНЛАРИНГИЗНИ  
АСРАНГ!

1637...

Бу «COVID-19»га чалинган 238 минг бемор орасидан соғаймаганлар сони. ЖСТ маълумотларига қараганда, жаҳон миқёсида «COVID-19» туфайли жами йўқотишлар 6-8 миллион орасида. Айрим манбаларда бундан ҳам кўплиги таъкидланмоқда. Ўзбекистонда эса 1637 бемор вафот этган. Гарчи ушбу рақамлар кўплаб давлатлардаги йўқотишларга нисбатан кам бўлса-да, ушбу фожиа кўлами барчамизга бирдек таъсир этди. Аммо кеча Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг навбатдаги мажлисида 2019 йили 8 092 та йўл-транспорт ҳодисаси рўй бериб, унда 9 минг 990 нафар фуқаро жароҳатлангани, шундан 2 минг



67 нафари ҳалок бўлганини эшитиб, пандемия бизга қарши «иккинчи фронт»ни очганини кўрмай қолибмизда, деган фикр ўтди хаёлимдан. 2020 йилда 6 982 та ИТХда 8 минг 553 нафар фуқаро жароҳатланган. 1 минг 962 нафари эса ҳалок бўлган. 2021 йил кўрсаткичлари янада аянчлироқдек туюлди: 10 001 та йўл-транспорт ҳодисасида 9 минг 230 нафар фуқаро жароҳатланган, 2 минг 436 нафари ҳалок бўлган. Яқиндагина Президентимиз соҳадаги муаммоларга эътибор қаратиб, улар илдизи бефарқликда эканини таъкидлаган эдилар. Кўни кеча эса бу борада махсус қарор қабул қилиниб, автоҳалокатларни олдини олиш чоралари қатъий белгилаб қўйилди. Аммо ҳар қанча ҳужжат қабул қилинмасин, биз – ҳайдовчилардан тортиб оддий йўловчиларгача мавжуд ҳолатларга нисбатан ўз муносабатимизни ўзгартирмас эканмиз, «AvtoCOVID»дан қулула олмаймиз, у ҳам бизни ҳеч қачон тарк этмайди.

Одилбек РАҲМОНОВ

## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ ИСЛОҲ ЭТИШ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ ШАРТ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган навбатдаги видеоселектор йиғилишида халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг натижадорлиги таҳлил этилиб, буюк мутафаккир бобомиз Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», деган сўзлари ёдга олинди.



2022

йилнинг 5  
апрели муҳокама  
этилган  
масаланинг  
муҳимлиги  
жиҳатидан тизим  
ходимларининг  
ёдида қоладиган  
кунлардан  
бирига айланди,  
дейиш мумкин.  
Маълумки, инсон  
капиталини  
ривожлантириш  
– Ўзбекистон  
Тарақиёт  
стратегиясида  
белгилаб  
берилган  
еттита устувор  
йўналишнинг  
бири бўлиб, 28  
январь кун  
Президентимиз  
Шавкат Мирзиёев  
раислигида ўтган  
йиғилишда айтилган  
шу масалалар  
муҳокама  
қилинган ва  
кўплаб вазифалар  
белгилаб  
берилган эди.

Ўша йиғилишдан кейин икки ой давомида мутасаддилар ҳудудларга чиқиб, жойлардаги муаммоларни ўрганишлар натижасида эса 852 та мактабда таълим сифати, муаллимлар салоҳияти ва ўқувчиларнинг олийгоҳларга кириш даражаси – бир мунча паст экани аниқланди.

Тўғри, Президент мактаблари, ихтисослашган ва хусусий мактабларда илғор методикалар йўлга қўйилган. Лекин умумтаълим мактабларида ўқитиш методикасининг эскирганлиги, замонавий таълим услубларини жорий этиш бўйича ташаббуслар йўқлиги асосий муаммо бўлиб қолмоқда. Гарчи, мактабларни компьютер билан таъминлаш бўйича маблағлар ажратилган бўлса-да, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган ва Тошкент вилоятларида бу борадаги ишлар суст кетапти. Олис ва чекка ҳудудлардаги мактабларда эса таълим сифати қониқарсиз аҳволда.

Маълумки, йил бошида Мактаб таълимини ислох қилиш кенгашлари тузилиб, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари жойлардаги шундай кенгашларнинг раҳбари экани таъкидланган эди. Шу боис ҳам йиғилишда таълим ривожига паст бўлган ҳудудлар ҳокимлари огоҳлантирилди.

Агар раҳбарлар, муаллимлар янги Ўзбекистонга муносиб ҳаракат қилса, фарзандларимизни давр талабига мос ўқитишимиз мумкин. Халқимиз бизга энг катта волигини – зурриёдини ишониб берапти. Бу жуда катта масъулият. Шунинг учун ҳис қилиб, ўзимизни қийнаб, мактабни ислох

қилсак, келажакка замин яратамиз, – деди йиғилишда Юртбошимиз.

Ҳа, чиндан ҳам ушбу соҳадаги ислохотлар депсиниш ҳолатларини эсга солмоқда. Давлат раҳбари томонидан асосли тарзда танқид қилинганидек, узоқ йиллар давомида мактаб муаммоларига юзаки ёндашдик, юзаки ўргандик ва юзаки қарорлар қабул қилдик. Оқибатларини эса бугун кўряпмиз. Шунинг учун ҳам йиғилишда Давлатимиз раҳбари томонидан мактаб ўқитувчиларини янги методика асосида қайта тайёрлаш бўйича умуммиллий лойиҳа бошланиши эълон қилинди.

Ушбу тизим доирасида келгуси 3-4 йилда мактаблардаги барча синф ўқитувчилари янги методика асосида ўқитилади. Бунинг учун ҳар бир ҳудуддаги Малака ошириш марказлари негизда педагогларни янги методикаларга ўргатувчи Миллий таълим марказлари ташкил этилиб, уларга аниқ ва табиий фанлар бўйича хориждан энг малакали мутахассислар жалб этилади.

Ҳар бир вилоят кесимида «тренинглари гуруҳи» шакллантирилиб, улар жойларда мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириб борадилар. Йиғилишда уларнинг ойлик иш ҳақи эса 100 фоизгача устамалар тўлиниши таъкидланди.

Ҳокимликлар Халқ таълими вазирлиги билан бирга, ҳар бир туман ва шаҳарда камида 20 фоиз мактабда, йил якунига қадар илғор методикаларни жорий этишни бошлалари керак бўлади. Бу янги тизимни жорий қилиш учун 100 миллион доллар қўшимча маблағ йўналтирилади.

Шунингдек, Абдулла Авлоний номидаги институт Республика миллий таълим маркази сифатида қайта ташкил этилади ва Тошкент давлат педагогика университети билан ягона тизимга бирлаштирилади.

Умуман, янги методикаларга ўқитиш тизими Миллий таълим маркази ва Тошкент давлат педагогика университетидан бошланади. Университет Халқ таълими вазирлиги таркибига ўтказилади, мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича республикадаги таянч муассасага айлантирилади.

Ҳудудларда фаолият юритаётган педагогика институтлари босқичма-босқич университетлар таркибидан алоҳида ажратилиб, мустақил таълим даргоҳига айлантирилади.

Йиғилишда ёшларни тарбиялаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мактабларда маънавий муҳитни тубдан яхшилаш бўйича янги концепция ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Мактаблардаги маънавий тарғиботчиларига талабларни қайта қўриб чиқиб, бу вазифага маҳалла ва жамоада обрўси юқори инсонларни тайинлаш, намунали ўқувчи ва ота-оналарни рағбатлантириб бориш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда қайд этилганидек, бугун юртимизда 120 та мактаб 3-4 коэффициентда ишламоқда. Яъни, ўқувчилар сони сиғимга нисбатан кўп. Президентимиз ушбу мактабларда шариоитни яхшилаш бўйича ҳам кўрсатмалар бердилар.

Йиғилишда, шунингдек, келгуси ўқув йили бошлангунча 960 та мактаб компью-

тер синфи билан таъминланиши, 740 таси янгидан жиҳозланиши айтилди.

Умуман, 5 мингдан ортиқ компьютер синфларини янгилаш бўйича алоҳида дастур қабул қилиниши, бунга республика бюджетидан 200 миллиард сўм, маҳаллий бюджетлардан ҳам 200 миллиард сўм йўналтирилиши айтилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига мактаблар учун алоҳида имтиёзли тарифлар очиш, ўқувчи сонига қараб, мактабларда интернет тезлигини секундига 100 Мегабитгача кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Маълумки, мактабдаги таълим ҳам, муҳит ҳам кўп жиҳатдан директорларга боғлиқ. Шу боис, мактаб директорларини сертификатлаш тизимини жорий этиш зарурлиги таъкидланди, бундан буён директорликка номзодлар ушбу тизим орқали танланиши маълум қилинди.

Аввал хабар қилинганидек, Давлатимиз раҳбари табиий ва аниқ фанларни ўқитишни ривожлантириш кераклигини бир неча марта қайд этган эдилар. Шунга мувофиқ, 193 та таълим муассасаси негизда табиий ва аниқ фанларга ихтисослашган мактаблар ташкил этиш режалаштирилган. Ҳокимларга эса ушбу мактабларни таъмирлаб, барча шариоитларни яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда вазирлар ва ҳокимлар, мактаб директорлари сўзга чиқиб, ўзларининг тақдир ва мулоҳазаларини билдирдилар.

УЗА материаллари асосида тайёрланди

✓ Сайловчилар ҳузурда

### Чустлик депутатлардан ўрганайлик!



Чуст туман Кенгаши депутати Жавлон Бойматовга 19-сонли мактабгача таълим ташкилоти ходимларидан боғчанинг эскирган жиҳозларини янгисига алмаштириш бўйича мурожаат тушган эди. Депутат ушбу масалани жойига чиқиб ўрганиб, барча депутатларни яна оёққа турғизди ва... Халқ вакиллариининг саяҳатлари билан боғчага янги жиҳозлар, гилам ва пардаларгача олиб берилди. – Бугун «олма пиш, оғзимга туш» дейдиган замон эмас. Саховатли инсонлар, ҳомийлар, қолаверса, биз – депутатларнинг имкониятимиз бор экан, нима учун бундай масалаларни ҳал қилмаслигимиз керак, – дейди депутат Ж.Боймуратов.

### Депутат «Бешоға» «қозонини қайнатди»

Бугун ҳақ-ҳуқуқини таниган сайловчи ўзи овоз бериб сайлаган депутатини «қорнини қаппайтириб ётиш»га қўймапти. Шунингдек, депутатлар ҳам фаол бўлиб, ўз сайловчиларига берган ваъдаларини бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Фаргона вилоятининг чекка ҳудудларидан бири бўлган Фурқат туманининг аксарият қишлоқлари аҳолисининг асосий муаммоси бу – ичимлик суви, газ, электр таъминоти

билан боғлиқ. Депутатларимиз саяҳатлари билан эса бундай муаммоларга бирин-кетин ечим топилмоқда. Хусусан, Фурқат тумани Кенгаши депутати Мўминжон Каримовнинг «Депутатлик сўрови» билан «Бешоға» маҳалласида ичимлик суви муаммоси ҳал қилинмоқда. Хусусан, 2742 нафар аҳоли истиқомат қилаётган маҳалланинг сув қозони (башня) таъмирланди. Яқин кунларда аҳоли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлади.





Қонун лойиҳаси «Рақамли  
Ўзбекистон – 2030»  
стратегиясида белгиланган  
вазифалар ижросини  
таъминлаш мақсадида  
ишлаб чиқилган бўлиб, бу  
билан электрон рақамли имзо  
(ЭРИ) билан боғлиқ барча  
муносабатлар тартибга  
солинади.

# ФРАКЦИЯДА

## ДЕПУТАТ БОРДИ, КЎРДИ ВА МАСАЛАНИ ҲАЛ ҚИЛДИ. БИРОҚ...

**«Миллий тикланиш»  
демократик партияси  
фракциясининг навбатдаги  
ййгилишида депутатларнинг  
24-26 март кунлари ўз сайлов  
округларида амалга оширган  
ишлари таҳлил қилинди.**

Ҳисоботда қайд этилишича, фракция аъзолари томонидан жами 609 та объект, жумладан, 119 та маҳалла фуқаролар ййғини, 249 та хонадон, 167 та ижтимоий соҳа объекти ва 54 та тадбиркорлик субъекти фаолияти кенг ўрганилган. Аҳоли билан ўтказилган 182 та учрашувда 325 та муаммоли масала кўтарилган. Ййгилишида муаммоли масалаларнинг асосий қисми ижтимоий объекتلари таъмирлаш ва қуриш, коммунал, соғлиқни сақлаш, аҳоли бандлиги, транспорт ва йўл қурилиши, таълим ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ экани таъкидланди.

Шу ўринда сайловчилар томонидан кўтарилган масалаларнинг 133 таси, яъни 40,9 фоизи жойида ҳал этилган. Вилоят даражасидаги 41 та, туман ва шаҳар даражасидаги 149 та масала эса маҳаллий ижро ҳокимиятлари томонидан ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Республика миқёсидаги 38 та масала бўйича эса парламент назорати доирасида чора-тадбирлар белгиланди.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров депутатларни ушбу маълумотлар билан таништириб, таълим-тарбия масаласи «Миллий тикланиш» демократик партияси учун энг устувор вазифа эканини, шундан келиб

чиқиб, ўрганишларда асосий эътибор мактабгача таълим ва халқ таълими билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилишга қаратилиши лозимлигини таъкидлади.

– Ҳар сафар ўз округимизга борганда, албатта, маҳаллий Кенгаш депутатлари билан бирга ўқитувчилар, тарбиячилар билан юзма-юз мулоқот қиламиз. Чунки жойларда таълим-тарбия билан боғлиқ жуда кўп муаммолар бор. Вазирликлар эса ўз муаммоларини ошкор қилишдан манфаатдор эмас. Шу боис, маҳаллий Кенгаш депутатлари фаоллик кўрсатишлари лозим. Агар масалаларни ҳудудларнинг ўзида ҳал этиш имкони бўлмаса, уни фракция даражасида кўтарамиз, – деди А.Қодиров.

Ййгилишида таъкидланганидек, маҳаллий Кенгаш депутатларининг ваколатлари тобора кенгайтирилмоқда. Мақсад, депутатга эркинлик бериш, токи у фаолликини оширсин. Яъни, маҳаллий депутатлар фаоллашмас экан, янгиланиш ва ўзгаришлар кутилган натижа бермайди.

Фракция аъзолари Умид Жабборов таълимдаги энг катта муаммолар ҳақида гапириб, улардан бири ўқитувчиларга ҳанузгача таълим билан боғлиқ бўлмаган кўп вазифаларнинг юкланаётганини таъкидлади.

– Ўқитувчи ҳали-ҳануз мактабдан ташқарида ҳам ўқувчиларга жавобгар бўлиб қолмоқда. Дарслардан кейин фарзандига ота-она жавобгар бўлиш ўрнига айримлар боласи кўча-куйда бирон айбли иш қилиб қўйса

ҳам мактабга келиб устозларни беҳурмат қилишдан тийилмапти. Бунга бутунлай чек қўйилиши керак, – деди У.Жабборов.

Ййгилишида ўрганишларда аниқланган айрим муаммолар ўртага ташланди. Жумладан, айрим мактаблар ҳар йили таъмирланади, 25-30 йилдан буён капитал таъмирга муҳтож баъзи мактаблар эса мурожаатларга қарамай эътибордан четда қолиб кетмоқда. А.Қодировнинг айтишича, партия таълим-тарбияга масъул экан, аввало, шу ишлар билан шуғулланишимиз керак. Маҳаллий Кенгашдаги депутатларимиз шундай муаммоларни аниқлаб, вазирликлардан олдин юқори идораларга кўтариши керак, – деди фракция раҳбари.

Ййгилишида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Жиноий, фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини қриштида электрон далиллардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси билан «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонун, Жиноят-процессуал, Фуқаролик ва Иқтисодий процессуал кодексларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Миллий қонунчилигимиздаги процессуал қонунчилик ҳужжатларида электрон далиллар тушунчаси, ундан фойдаланиш тартиби ва шу билан боғлиқ масалалар назарда тутилмаган. Лекин амалиётда электрон далиллар

қаторига кирувчи маълумотлардан фойдаланилмоқда. Таклиф этилаётган бу ўзгаришлар Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини, жумладан, Ҳуқуқ устуворлиги индексининг Фуқаролик одил судлови ва Жиноий одил судлов таркибий индикаторларидаги мавқеини яхшилашга хизмат қилади. Шунингдек, процессуал қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдиршига, энг муҳими, одил судлов сифатини оширишга эришилади.

«Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, бу билан электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан боғлиқ барча муносабатлар тартибга солинади.

Депутатлар электрон рақамли имзони олишни соддалаштириш лозимлигини таъкидладилар. Ташаббускорлар эса ушбу қонун лойиҳаси айнан шу мақсадларга хизмат қилишини билдиришди.

Қайд этилишича айна пайтда 6 та давлат идораси ЭРИ бериш билан шуғулланмоқда. Шу кунгача 7 миллиондан ортиқ фуқаро электрон имзо олган.

Депутатлар юқорида қайд этилган қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда оқсентуал жиҳатдан маъқулладилар.

**Равшан МАҲМУДОВ,**  
«Миллий тикланиш» муҳбири

Худудий кенгашларда

# ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ



## оддий одамлар дилидаги ниятларга йўл очди

Бугун қайси бир ҳудудга борманг, муҳташам спорт саройлари, замонавий талаблар даражасида бунёд этилаётган стадионлар, спорт залларини кўрасиз. Энг муҳими, ушбу бинолар доимо ёшлар билан гавжум.

Албатта, чекка ҳудудларда ҳам болалар учун қулай шароитлар яратилаётгани яқин келажақда ёш чемпионларнинг кашф этилишига олиб келади. Кейинги йилларда спорт-таълим муассасалари сони ҳам кўпайтирилиб, болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бу жараёнга профессионал спорт усталарини жалб этишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2020-2024 йилларда 23 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини қуриш ва уларнинг 68 та филиалларини ташкил этиш белгилаб берилди.

Президентимизнинг шу йил 14 мартдаги Оксана Чусовитина ҳамда бокс бўйича жаҳон чемпиони Баҳодир Жалоловларнинг маҳорат мактабларини ташкил этиш тўғрисидаги қарори эса ушбу масалага давлат сисёати даражасида эътибор қаратилаётганини кўрсатди, дейиш мумкин.

Маълумки, афсонавий спортчимиз Оксана Чусовитина илк бор 1992 йилда Барселона Олимпиадасида иштирок этган ва ўшандан буён узлуксиз саккиз марта ушбу нуфузли мусобақада қатнашган. Бу дунё спорти тарихидаги бетакрор ҳолат, албатта. Шунинг учун ҳам у

Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. Олимпия, жаҳон ва Осиё ўйинларининг бир неча бор ғолиби, Баҳодир Жалолов ҳам минглаб ёшларнинг фарҳирига айланган спортчидир.

Қарорда Оксана Чусовитина ва Баҳодир Жалоловларнинг спорт маҳорати мактабларини зарур спорт анжомлари ва усқуналар билан жиҳозлаш, замонавий халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган моддий-техника ҳамда ўқув-машғулот базаларига эга бўлиши учун ҳар бир мактабга 25 миллиард сўмдан ажратиладиган бўлди. Энг асосийси, ушбу мактабларда ишлайдиган ходимлар меҳнатини рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

2022/2023 ўқув йилидан ўз фаолиятини бошлайдиган замонавий гимнастика мактаби Тошкент шаҳрининг Миробод тумани, Саракўл кўчаси, 24 м-уйда, бокс мактабининг эса Юнусобод тумани, 9-мавзёда жойлашган 259-сонли умумий ўрта таълим мактаби худудда ташкил этиш кўзда тутилди. Маълумотларга қараганда, Гимнастика мактабининг умумий контингенти 165 нафарни ташкил этиб, улар 1-11-синф

ўқувчиларидан иборат бўлади. Бокс мактабининг контингенти эса жами 175 нафарни ташкил этиб, мактабга асосан 5-11-синф ўқувчилари қабул қилинади.

Тўғри, бундай спорт мактаблари бизга турли даражадаги халқаро ва минтақавий мусобақалар – Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, универсиадалар ҳамда бошқа спорт турнирларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган спортчиларни тайёрлашга хизмат қилади. Аммо Президент қарори замирида ёшларимизни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, иқтидорли, салоҳиятли ёшлар доимо қадрлигини тушунишлари учун уларда рағбат уйғотиш мақсади ҳам мужассамдир. Албатта, бундай саъй-ҳаракатлар яқин йилларда ўз натижасини беради. Оксана Чусовитина ва Баҳодир Жалолов каби спортчилар кўлида тахсил олган шогирдлар эса, халқаро аренада Ўзбекистон номини дунёга танитадилар. Бунга шубҳа йўқ.

**Лазиз ҲАСАНОВ,**  
халқ депутатлари Яққасарой туман Кенгаши депутати,  
Ўзбекистон тазқон-до (ИТФ) миллий ассоциацияси президенти

# ҚАЧОНГАЧА «ЮҚОРИ»НИНГ ТАВСИЯСИ ЁКИ ТОПШИРИҚЛАРИНИ КЎТАМИЗ?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Янгиҳаёт туманидаги ўзгаришлар билан танишиш жараёнида биноларнинг фасад қисмига туширилган мозаик панноларга эътибор қаратиб, улар одамларнинг кайфияти ҳамда шаҳар маданий муҳитига ижобий таъсир этиши хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган эдилар.

Маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрининг ўзида бундай бинолар сони 150 тадан зиёд. Ҳар қандай мозаик паннога биринчи марта қарасангиз унда акс этган тасвир маъно-мазмунидан олдин унинг гўзаллиги, бежиримлиги сизни ўзига тартади, кайфиятингизни кўтаради. Ана шундан кейин унинг маъно-мазмунига эътибор қаратасиз.

Мозаик панноларнинг шаҳар муҳитига мослиги, шу юрт табиати, мафқурасига уйғун келиши, аҳолининг кундалик ҳаётини акс эттириши мақсадга мувофиқ, албатта. Шу билан бирга, бандай тасвирлар доимий қаровга муҳтож эканини, кўп ҳолларда, вақт ўтиши билан уларнинг аксарияти аянчли ҳолга келиб қолганини ҳам унутмаслик керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, кейинги пайтларда шаҳар аҳолисининг мазкур панноларни сақлаб қолишга бўлган саъй-ҳаракатлари эътиборга молик, албатта.

Бундан бир неча йил олдин кўплаб бинолардаги тасвирларнинг усти бўялиши ижтимоий тармоқларда маданий меросга бўлган таҳдид сифатида баҳоланган, бу борада партия-дошларимиз ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган эдилар.

Бугунга келиб эса бундай паннолар ҳам санъат асарини сифатида ўрганила бошланди. Зеро, ушбу масалага илмий ёндашиш панноларнинг қай бири мозаика, қай бири оддий кафеллар чизмаси эканини аниқлаш имконини беради, албатта.

Шубҳасиз, маданий мерос объекти сифатидаги бинолар фасаддаги мозаик панноларни сақлаб қолишдан барча бирдек ютади. Ушбу жараёнда маданий мерос объектларини таъмирлашга қўйиладиган талаблардан келиб чиқилади, деган фикрдамиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Президентимиз эътиборидан кейингина ана шу масала кун тартибидан жой олди.

Ваҳоланки, бошқа худудларимизда ҳам кўчалар, уйлارга ўзига хос тароват бахш этаётган қанчадан-қанча мозаик тасвирлар бор...

Демак, соҳа мутасаддилари, жаноби архитекторларимиз «юқори»дан тавсия ёки буйруқ кутмай, кўзларини каттароқ очишлари, халққа манзур бўлаётган ҳар қандай имкониятдан фойдаланишлари лозим.

**Алишер АРИПОВ,**  
партия Марказий кенгаши бўлим бошлиғи





Абдумалик АКРАМОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутаты, Фан,  
таълим, маданият ва спорт  
масалалари қўмитаси аъзоси

# ТАРТИББУЗАР АБИТУРИЕНТ ИМТИХОНЛАРДАН ЧЕТЛАШТИРИЛАДИ...МИ?

**К**ейинги йилларда ёшларнинг таълимга бўлган эҳтиёжини қондириш борасидаги ислохотлар натижасида олий таълим муассасалари сони 65 тадан 156 гага етди. Қамров даражаси эса 9 фойздан 28 фойзга кўтарилди. Олий таълимга қабул қилиш, таълим жараёнларида кузатишган ноқонуний ишларга чек қўйиш, таълим олиш сифатини янада ошириш ҳамда коррупциядан холи соҳага айлантириш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда. Лекин минг афеуски яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ўз билими билан талаба деган номга мушарраф бўлишга интилаётган ёшлар орасида хали ҳам турли қинғирликлар билан талаба бўлишга интилаётган ёшлар ҳам учрайпти.

Яқинда Давлат тест маркази мутасаддилари билан ўтказилган матбуот анжуманида абитуриентларни талабалikka қабул қилиш бўйича ўтказиладиган тест синовлари вақтида белгиланган тартибни бузган, тест вақтида тақиқланган воситалардан фойдаланган абитуриентларни имтихондан четлаштириш ҳолатлари кузатилаётгани маълум қилинди. Хусусан, 2021 йили 379 нафар абитуриент белгиланган тартибга амал қилмаган, шулардан 215 нафари уяли алоқа воситаларини олиб киришга уринган. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 261-сонли қарори ва ушбу қарорнинг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалаврига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низоми»да абитуриентларнинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган. Жумладан, низомнинг 52-бандида тест синовлари ўтказиладиган ҳудуд ёки бинога киришда телекоммуникация қурилмалари ва бошқа воситалар, шпалгалкалар олиб киришга ҳаракат қилса, олиб кирган бўлса ёки улардан фойдаланса, тест материалларини бошқа абитуриентга узатса ёки уларга ёрдам берса, жараёнда бир-бири билан гаплашса, тест материалларини ташқарига олиб чиқса, тест топшириқлари китоби varaгини йиртса, тест синовлари учун ажратилган



- Тест материалларини ташқарига олиб чиқиш;
- тест материалларини бошқа абитуриентга узатиш;
- шпалгалкалар олиб кириш;
- тест топшириқлари китоби varaгини йиртиш;
- тест синовлари учун ажратилган вақт тугагандан сўнгра тест материалларини топширишдан бош тортиш

## 5-7 ЙИЛГАЧА

қабул имтихонларидан четлатишга сабаб бўлиши мумкин

вақт тугагандан сўнгра тест материалларини топширишдан бош тортса, шунингдек, тест синовлари жараёнида видеокузатувлар орқали абитуриентнинг тартиб ва қоидаларга амал қилмаганлиги аниқланса, абитуриентнинг тест синовидан четлаштирилиши белгилаб қўйилган. Матбуот анжуманида Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги ҳамкорлигида тартиббузар абитуриентларни маълум вақтга, яъни 5-7 йилгача қабул имтихонларидан четлаштириш масаласи кўриб чиқилаётгани айтилди. Тўғри, ушбу тақлиф бир қарашда жуда кескин чорадек туюлиши мумкин. Аммо таълим соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган педагог сифатида Давлат тест маркази томонидан тақлиф қилинаётган ушбу нормани қўллаб-қувватлайман. Чунки яратиб берилган имкониятларга ношукрлик қилаётган, етарли билимга эга бўлмаганлар, албатта, ўз жазосини олиши керак. Негаки, ўзи танлаган соҳа бўйича етарли билимга эга бўлмаган абитуриент қинғир йўллар билан талабага айланиб қолса, маълум вақт ўтиб, бундай мутахассисдан жамиятга, фуқароларга қандай наф бўлишини бир тасаввур қилинг. Дейлик, етарли билимга эга бўлмаган абитуриент педагогика соҳасига ўқишга кирди, ўқиди, диплом олди ва мактабга бориб иш бошлади. Натижада, ўша ўқитувчи 30-40 йил давомида ёшларнинг билимсиз

бўлишига сабабчи бўлади. Шунинг учун киритилиши кузда тутилаётган норма фақат ва фақат адолат ва шаффоқликни таъминлашга хизмат қилади. Келинг, бу борадаги, яъни кириш имтихонлари жараёнидаги қонунбузарлик учун қандай чоралар қўлланиши бўйича ривожланган давлатлар тажрибасига бир эътибор қаратайлик. Японияда 2011 йили ўтказилган кириш имтихонларида 19 ёшли абитуриент тест саволларини ижтимоий тармоққа жойлагани ва тест топшириқларини бажаришда ёрдам олгани учун қамоққа олинган ҳамда 3 йил қамоқ жазоси ёки 6 минг АҚШ доллари миқдоридagi жарима билан жазоланган. Хитойда эса кириш имтихонларида қонунбузарликка йўл қўйган талабгорлар учун 2015 йил 1 ноябрдан кучга кирган қонунга асосан 3 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиши белгиланган. Францияда кириш имтихонларида қонунбузарликка йўл қўйганлар 5 йил имтихон топшириш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Италияда эса мазкур турдаги қонунбузарликлар учун 3 ойдан 12 ойгача қамоқ жазоси бор. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ҳам қандай соҳа бўлишидан қатъи назар қонун устуворлиги таъминланиши керак. Таълим соҳаси эса мамлакат келажигини белгилаб берадиган муҳим соҳа эканини асло унутмаслигимиз лозим.

✓ Акс-садо

# «ҚҮРҚМА» ДАН ҚҮРҚАДИГАН ЖОЙИМИЗ ЙҮК!



Баҳодиржон МАМАТХОНОВ,  
партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари

Тан оламиз! Сиесий партиялар орасида энг кам аъзолари бўлгани бу – «Миллий тикланиш». Хўш, бунинг сабаби нимада? Бизнингча, аъзолик масаласида сонга эмас, сифатга эътибор қаратиш бугунги куннинг бирламчи талаби. Шу боис ҳам гоё ва ташаббусларимизга хайрихоҳларнигина аъзоликка қабул қиляпмиз. Бизнингча, партиялар сафида тасодифий аъзолар бўлиши ҳар қандай мантиққа зиддир. Шунинг учун ҳам бизда аъзолик масаласи айрим партиялар фаолиятида кузатилаётганидек кўтарасига эмас, танлов асосида амалга оширилмоқда. Бу ўз-ўзидан бошқа масалалар, хусусан, аъзолик бадалига ҳам бориб тақалади. Бу ҳақда гап кетганда у партиянинг асосий молиявий манбаларидан бири эканини айтиш керак. Зеро, ўзини партия аъзоси, деб ҳисоблаган ҳар қандай фуқаронинг бадал пули йиғимида иштирок этиши табиий ҳисобланади. Шунинг учун ҳам «Миллий тикланиш» тизимида ҳеч ким ҳеч қачон мажбурлаб аъзо ҳам қилинмайди, мажбурлаб бадал ҳам тўлаттирилмайди. Аммо @Qoqma\_uz телеграмм канали партия-мизга аъзоликнинг намунавий шаклини эълон қилиб, партия «зўрлаб» бадал йиғмоқда тарзида «Америка» очибди...

Кўпчиликка маълум, «Миллий тикланиш»нинг бирламчи гоёси ва мақсади миллийликни, миллий қадриятларни асраш ва авайлашга, тарбияни жамиятда қадриятлар асосида тараққий эттиришга қаратилган. Бу йўлда эса биз том маънодаги аъзоларимизга таянаёلمиз. Тўғри, айрим ҳудудлардаги ходимларимиз билиб-билмай ёки «ўрганган кўнгил ўртанса кўймас» қабилда эскича услубда иш олиб бораётгандир. Лекин партия бундай ходимлар билан ҳам, ҳатто аъзолар билан ҳам узоққа бориб бўлмастлигини аллақачон эълон қилиб бўлган. Шунинг учун «Қурқма»га ушбу маълумот учун миннатдорлик билдириб, қўрқманг, партия ўз йўлидан қайтмайди, дея таскин бермоқчимиз.

✓ Ҳудудларда

# БИЗДА «БЕШ ҚҮЛ» ҲАМ БАРОБАР



Дмитрий АН,  
халқ депутатлари Самарқанд вилояти  
Кенгаши депутати

Янги Ўзбекистонда шаклланган миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро ҳамкорликка дунё ҳамжамиятида ҳам жуда катта қизиқиш билдирилаётгани бежиз эмас. Зеро, бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар яшашпти. 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Ўз навбатида, уларнинг ўз фаолиятини амалга ошириш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этишлари учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Биргина, давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб бориляпти. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси қошида эса 138 та миллий маданий марказ, 34 та хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамиятлари фаолияти йўлга қўйилган. Дунёнинг 18 та мамлакатидagi ҳамкорлар 29 та ўзбек эмиграция ва диаспоралари билан алоқалар ўрнатилган бўлиб, ўзбек маданияти кунлари, тили, халқининг ўзига хос миллий анъана, урф-одатларини

тарғиб этишга йўналтирилган анжуман, семинар, давра суҳбатлари, кўргазма, танловлар, концерт ва бошқа тадбирлар ўтказилмоқда. Партияимизнинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида ҳам миллатлараро муносабатлар соҳасига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, партия доимо бағрикенглик ва инсонпарварликни кенг тарғиб этиш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, барча фуқароларга миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш сиеватини қўллаб-қувватлаб келамиз. Шу маънода, бугун беамалол айтишим мумкинки, Ўзбекистонда бу борада бошқа давлатлар ўрнат олишига арзигулик ўзгаришлар амалга ошириляпти ва бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**ОБУНА – 2022!** «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА! **158**  
Обуна индекси





